

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ЗАКИРОВА РУХСОНА ЮНУСОВНА**

**«АНТИБОВАСИН» ДОРИ ВОСИТАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**15.00.01 – дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (PhD)**

**Закирова Рухсона Юнусовна**

«Антибовасин» дори воситаси технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Закирова Рухсона Юнусовна**

Разработка технологии лекарственного средства «Антибовасин»..... 21

**Zakirova Rukhsona Yunusovna**

Development of technology of «Antibovasin» medicine..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ЗАКИРОВА РУХСОНА ЮНУСОВНА**

**«АНТИБОВАСИН» ДОРИ ВОСИТАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**15.00.01 – дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

---

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Far37 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Аминов Сабирджан Нигматович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Назарова Зарифа Алимджановна**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Мадрахимов Шермухаммади Нуруллаевич**  
фармацевтика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **А. Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Far.32.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38; факс: (99871) 256-45-04; e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.И. Алимджанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ё.С. Қариева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф. Урманова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра, тери юзасининг куйиши билан вафот этувчилар сони йилига 180 минг кишини ташкил қилади. Тери юзасининг куйиши кўпгина ачинарли ассоратларга олиб келади, жумладан инсон ногирон бўлиб қолиши, ҳаттоки ўлим ҳолати билан яқунланиши мумкин. Шунинг учун маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда тери юзасини куйишида қўлланиладиган препаратларни ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда фармацевтика саноатини ривожланишида янги технологиялар, асбоб-ускуналарни қўллаган ҳолда табиий хомашёлар асосида дори препаратларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада замонавий математик моделлаштириш усулида дори турларининг таркиби ва технологиясини яратиш, уларнинг таркибидаги биологик фаол моддаларни миқдорий таҳлилини ўтказиш, табиий хомашё асосида олинган воситаларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва сақланиш муддатини белгилашни тақозо этмоқда.

Республикамизда табиий хомашёлар асосида дори препаратларини ишлаб чиқарилиши натижасида аҳолини юқори самарали, безарар воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада препаратлар ассортиментини маҳаллий корхоналарда табиий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган юқори биологик самарадорлигига эга, хавфсиз ва арзон дори воситалар билан кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ–3489–сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532–сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5707–сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табиий хомашёлар асосида юмшоқ дори шакллари ишлаб чиқиш, маҳаллий хомашёлар ҳисобига эмульсион ва гидрофил асослар турини кўпайтириш ҳамда тери юзасидаги кесилган ва куйган яраларни даволашни ўрганишда республикамиз етакчи олимлари З.А.Назарова, У.М.Азизов, М.У.Усуббаев, С.Н.Аминов, М.М.Миролимов, Х.М.Юнусова, Ё.С.Кариева, В.Р.Хайдаров, М.М.Зиямухамедова, Г.М.Туреева ва улар шогирдларининг илмий изланишлари катта аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида бир қатор олимлар табиий хомашёлар экстракти асосида суртма, гел таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш, структура-механик хоссаларини ўрганиш бўйича А.И.Тенцова, В.М.Грецкий, И.М.Перцев, Б.И.Даценко, Д.Р.Халифаев, Cho-Rok Jung, M.Kucharzewski ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар аҳамиятлидир.

Мазкур диссертация ишида бир вақтнинг ўзида тозаланган мумиё ва прополис сақлаган суртмалар ҳамда геллар таркиби, уларнинг технологияси, шунингдек, стандартизациясига оид изланишлари бўйича илмий тадқиқотлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимлик ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўп компонентли табиий хомашёлар (мумиё ва прополис) асосида яра битказувчи ва яллиғланишга қарши юмшоқ дори шакллари таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

яра битказувчи ва яллиғланишга қарши қўлланиладиган дори препаратларининг маркетингини ўрганиш;

табиий хомашёлар – мумиё ва прополис асосида янги яра битказувчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга суртма ва гелнинг мақбул таркиби ҳамда оптимал технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган аппликацион дори шакллариининг сифат назорати ва асосий таъсир этувчи компонентларининг стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

олинган дори шакллариининг структура-механик хоссаларини ўрганиш;  
ишлаб чиқилган дори шакллариининг биологик фаоллигини ва хавфсизлигини мутахассислар билан ҳамкорликда ўрганиш;

ишлаб чиқилган дори шакллариининг сақлаш давомида барқарорлигини ўрганиш ва яроқлилик муддатини белгилаш;

олинган натижалар асосида тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га тасдиқлаш учун тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тозаланган мумиё, прополис ва тирноқгул гули настойкалари, темир аммонийли аччиқтош, анестезин, шунингдек, «Антибовасин» суртмаси ва гели қўлланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон дори бозоридаги суртма ва гел бўйича таҳлил ўтказиш, «Антибовасин» суртмаси ва гелининг таркибини танлаш ва олиш технологиясини оптимизациялаш; улар таркибидаги асосий таъсир этувчи компонентларни сифат ва миқдорий таҳлилини аниқлаш, шунингдек, сифат назорати ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш. Олинган яра битказувчи суртма ва гелнинг коллоид кимёвий, реологик хоссалари ва фармакологик фаоллигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда замонавий кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усулларидан, специфик фаоллиги ва безарарлигини аниқлашда фармакологик усуллардан фойдаланилган. Реологик хоссалари «Реотест-2» ротацион визкозиметрда (Германия) аниқланган. Миқдорий таҳлилда спектрофотометрия («UV 1800» спектрофотометри Shimadzu Corp. АҚШ) усули қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор яра битказувчи ва яллиғланишга қарши қўлланиладиган «Антибовасин» суртмасининг таркибини танлашда математик моделлаш усулидан фойдаланилган;

табiiй хомашёлар – мумиё ва прополис ҳамда бошқа компонентлар асосида суртма ва гел дори шакллариининг илмий асосланган таркиби танланган ва уларни олишнинг энг мақбул технологияси ишлаб чиқилган;

«Антибовасин» суртмаси ва гелининг реологик, структура-қовушқоқлик ҳамда коллоид кимёвий хоссалари аниқланган, ушбу кўрсаткичлар юмшоқ дори турларини ишлаб чиқиш ва сақлашдаги сифатни баҳоловчи асосий назорат кўрсаткичлари эканлиги исботланган;

таркибида мумиё ва прополис сақловчи суртма ҳамда гелнинг фармакологик фаоллиги ва безарар эканлиги аниқланган;

«Антибовасин» суртмаси ва гелининг сифат назорати ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

олинган аппликацион дори шакллариининг барқарорлигини таъминловчи шароитлари ва яроқлилиқ муддати аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

яра битказувчи ва яллиғланишга қарши восита яратиш учун «Антибовасин» шартли номи билан суртма ва гел дори шакллари ишлаб чиқилган.

Корхона фармакопея мақоласининг лойиҳаси ишлаб чиқилган ва «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га экспертизадан ўтказиш учун

тақдим этилган. Шунингдек, «O'zkiyofarm» АЖ «Антибовасин» суртмасининг тажриба туркуми ишлаб чиқилган ҳамда тажриба-саноат регламенти тайёрланган ва тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижалар замонавий статистик таҳлил усулда ва физик-кимёвий, технологик, биофармацевтик, структура-механик, фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий хомашёлар-мумиё ва прополис, шунингдек, бошқа компонентлар асосида шартли равишда «Антибовасин» деб аталган суртма ва гел дори шакллариининг энг мақбул таркиби танланганлиги ва уларни олиш технологияси ишлаб чиқилганлигидир; уларнинг сифат назорати ва стандартизацияси тадбиқ қилинганлиги ҳамда «Антибавосин» суртмаси ва гелининг сақлаш муддати ва барқарорлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Антибавосин» суртмаси учун тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги, шунингдек, ушбу суртмага КФМ «O'zkiyofarm» АЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилганлиги ва «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилганлиги билан изоҳланади ҳамда унинг тасдиқланиши яра битказувчи препаратлар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Антибовасин» дори воситаси технологиясини ишлаб чиқиш натижалари асосида:

маҳаллий табиий хомашёлар асосида, яра битказувчи таъсирга эга бўлган фармацевтик композицияга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (07.10.2016 й., № IAP 05295). Олинган суртма дори воситаси терининг куйиш хасталикларидида қўллаш имконини берган;

«Антибовасин» суртмаси учун «O'zkiyofarm» АЖ билан ҳамкорликда Корхона фармакопея мақоласининг лойиҳаси ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган (2019 йил 19 ноябрдаги № 29/09-4466-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Корхона фармакопея мақолаларининг тасдиқланиши натижасида маҳаллий хомашёлар асосида яратилган яра битказувчи дори воситасини ишлаб чиқариш имконини беради;

«Антибовасин» суртма дори воситаси учун тажриба-саноат регламенти «O'zkiyofarm» АЖ корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР-42 Уз-1924/03873/00481330 - 2019). Натижада мазкур тажриба-саноат регламентининг тасдиқланиши яра битказувчи таъсирга эга

дори воситаси учун меъёрий хужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва рўйхатга олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро конференцияда ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та ихтиро патенти олинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил қилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фармацевтика соҳасидаги юмшоқ дори воситаларининг ўрни**» деб номланувчи биринчи бобида юмшоқ дори воситаларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига таълуқли, ҳамда уларнинг таърифи ва таснифи ҳақидаги маълумотлар берилган. Шунингдек, таркибида табиий орғано-минерал хомашёлар сақловчи суртма ва геллар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антибовасин суртма дори шаклини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар**» деб номланувчи иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасининг 2013-2018 йиллар бўйича Давлат Реестрига кирган юмшоқ дори препаратлари ассортиментининг структурланган маркетинг таҳлили маълумотлари келтирилган. Олинган натижалар юмшоқ дори препаратлари ассортименти асосан импорт қилинадиган воситалардан ташкил топгани, бу препаратларни маҳаллий табиий хомашё асосида яратиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш долзарб эканлигини кўрсатган.

Ушбу бобнинг кейинги банди «Антибовасин» суртмасини таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш, реологик хоссалари ва яроқлилик муддатини аниқлашга бағишланган.

Суртма таркибини танлашда юмшоқ дори воситаси таркибига кирувчи асосни бошқа компонентларнинг асос билан мутаносиблиги инобатга олинган ҳолда, суртма асосини ҳосил қилувчи компонентлар сифатида

вазелин, бентонит (гилмоя), стеарокс-6, Na-КМЦ, эмульгатор Т2, ланолин, твин-80 ва глицерин олинди.

Дори шаклидан таъсир этувчи моддани максимал миқдорда ажралишини таъминлайдиган суртма асоси билан сирт фаол моддани тўғри танлаб олиш зарурлиги сабабли, навбатдаги изланишлар «Антибовасин» суртмасининг таркиби ва технологиясини оптималлаштириш ишлари математик моделлаш 4x4 лотин квадрати усулида амалга оширилди. Кўп компонентли «Антибовасин» суртмаси учун асос танлаш мураккаб жараён бўлиб, таъсир этувчи дори модданинг биосамадардорлиги таъминланувчи бир қатор ўзгарувчан омилларни инобатга олишни талаб этади, чунончи асос тури (А омил), эмульгатор (В омил) ва дори моддани асосга киритиш усули (С омил) (1-жадвал).

1 - Жадвал

**Суртма технологиясини ишлаб чиқишда ўрганиладиган омиллар ва уларнинг даражаси**

Асос тури (А-омиллар)	Эмульгатор тури (В-омиллар)	Дори модда (ДМ)ни асосга киритиш усули (С-омиллар)
А <sub>1</sub> -гидрофоб (вазелин) А <sub>2</sub> -эмульсион (вазелин+эмульгатор+сув) А <sub>3</sub> -адсорбцион (вазелин+эмульгатор) А <sub>4</sub> -гидрофиль (Na-КМЦ)	В <sub>1</sub> - Стеарокс-6 В <sub>2</sub> - Эмульгатор Т2 В <sub>3</sub> - Ланолин В <sub>4</sub> - Твин-80	С <sub>1</sub> – суюлтирилган асос қисмида ДМ дастлаб эритиб олиш; С <sub>2</sub> – минимал миқдордаги тозаланган сувда ДМ дастлаб эритиб олиш; С <sub>3</sub> – минимал миқдорда ДМ дастлаб эритиб олиш; С <sub>4</sub> - ДМ дастлаб майдалаб суспензия ҳолига ўтказиш.

Оптимизация мезони (критерияси) сифатида дори моддасини суртма асосидан ажралиш интенсивлиги (мумиё, прополис-У<sub>1</sub> ва анестезинни ажралиш интенсивлиги-У<sub>2</sub>) ҳамда суртманинг барқарорлигини таъминловчи структура-механик хоссаларидан бири - силжиш кучланиши (У<sub>3</sub>) ни ўрганиш натижалари ва самарали қовушқоқлик (У<sub>4</sub>) деб белгиланди. Тажриба натижаларининг дисперсион таҳлили ўтказилди ва натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Олинган дисперсион нисбатларни жадвалдаги Фишер критерияси қийматлари билан таққосланганда, «Антибовасин» суртмасидаги таъсир этувчи моддаларни ажралиш интенсивлигига барча ўрганилган факторлар А, В ва С, жумладан, мумиё ва прополисни ажралишига А, В ва С факторлар, анестезин ажралишига эса юқоридаги факторларнинг катта таъсири йўқ, чунки  $F_{тажр} < F_{жадв}$  кўрсатди.

«Антибовасин» суртмаси учун ишлатилган асослар ва эмульгаторлар дори воситаларни энг интенсив чиқарилишни таъминлаб бера олиши, қуйидагича жойлашишда ифодаланди:  $a_2 > a_4 > a_3 > a_1$ , яъни эмульсион (вазелин+эмульгатор+сув) > гидрофиль (Na-КМЦ) > абсорбцион (вазелин+эмульгатор) > гидрофоб (вазелин); эмульгатор –  $b_1 > b_2 > b_3 > b_4$ , яъни,

стеарокс-6 > эмульгатор Т2 > ланолин > твин-80 ва дори воситасини асосга киритиш –  $c_3 > c_2 > c_1 > c_4$ , бунда, дори моддасини аввал оз микдорда глицеринда эритиб, кейин асосга киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бунда стеарокс-6 эмульгатори билан олинган суртма энг юқори кўрсаткичларни кўрсатди. Таркиб: прополис настойкаси – 3,0; тозаланган мумиё – 4,0; анестезин -1,5; темир аммонийли аччиқтош -1,0; стеарокс-6 – 5,0; вазелин – 79,5; глицерин – 1,0; тозаланган сув – 5,0.

2 - жадвал

**«Антибовасин» суртмасининг таркиби ва технологиясини оптимизациялаш бўйича ўтказилган дисперсион таҳлил натижалари**

Ўрганилган кўрсаткичлар	Дисперсия манбаи	Эркинлик даражаси сони	Квадратлар йиғиндиси	Ўртача квадрат	F <sub>тажр</sub>	F <sub>жадв.</sub>
Суртмадан мумиё ва прополисни ажралиш кинетикаси (2 соатдан сўнг)	А омил	3	25,47	23,06	11,14	3,3
	В омил	3	23,31	10,45	5,05	3,3
	С омил	3	23,20	6,99	3,35	3,3
	Қолдиқ	-	49,67	-	-	-
	Умумий йиғинди	15	99,35	-	-	-
Суртмадан анестезинни ажралиш кинетикаси (2 соатдан сўнг)	А омил	3	0,8	0,1	0,034	3,3
	В омил	3	0,86	0,03	0,10	3,3
	С омил	3	0,81	0,003	0,01	3,3
	Қолдиқ	-	6,98	-	-	-
	Умумий йиғинди	15	13,96	-	-	-
Силжиш кучланиш чегараси	А омил	3	4968,18	4933,62	11,13	3,3
	В омил	3	4937,18	2451,06	5,53	3,3
	С омил	3	4928,06	1631	3,69	3,3
	Қолдиқ	-	10635,56	-	-	-
	Умумий йиғинди	15	4216,95	-	-	-
Самарали ковушқоқлик	А омил	3	1056,06	1039,92	11,82	3,3
	В омил	3	1044,13	513,99	5,85	3,3
	С омил	3	1041,60	341,82	3,89	3,3
	Қолдиқ	-	2108,48	-	-	-
	Умумий йиғинди	15	21271	-	-	-

Ушбу таркиб бўйича тайёрланган суртма қуйидаги технология бўйича тайёрланди: суртманинг асосини тайёрлаш учун, чинни косачада аввал вазелин ва стеарокс-6 сув ҳаммомида 50-60<sup>0</sup>С ҳароратда эритилади ва бир хил масса ҳосил бўлгунча яхшилаб аралаштирилади. Асос сув ҳаммомидан олиниб, хона ҳароратида аралаштириб турган холда анестезин солиниб, аралаштириш давом эттирилади. Мумиё ва темир аммонийли аччиқтош

озгина сувда эритилиб, анестезинлик асосга кам-камдан солиб, соат стрелкаси бўйлаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган массага глицерин ва прополис настойкаси солинади ва пестик ёрдамида суртмадан ўзига хос овоз чиққунга қадар гомогенизацияланади.

3 - жадвал

**«Антибовасин» суртмасининг ўрганилган сифат ва миқдорий кўрсаткичлар натижалари**


<b>Ўрганилган кўрсаткичлар</b>	<b>МҲ бўйича кўрсаткичлар</b>	<b>Олинган натижалар</b>
Ташқи кўриниши	Тўқ кулранг рангли, бир ҳил консистенцияли ва ўзига хос ҳидга эга суртма	Талабга жавоб берди
Чинлиги	Аминокислоталарга нингидрин билан реакция (мумиё)	Талабга жавоб берди
	Полифенолларга кўрғошин ацетат билан реакция (прополис)	
	Fe <sup>+3</sup> ионига аммоний радонит билан реакция (темир аммонийли аччиқтош)	
	Азобўёқ ҳосил бўлиш реакцияси (анестезин)	
рН кўрсаткичи (1:10 нисбатдаги сувли ажратма)	5,5-7,5	6,2
Бир хиллиги	МҲ талабига кўра, қуролланмаган кўз билан кўрилганда намуналарни 4 дан 3 тасида заррачалар кўринмаслиги керак	Талабга жавоб берди
Коллоид турғунлик	5 дақиқа 1500 айл/дақ тезлик мобайнида айлантирилганда қатламга ажралмаслиги керак	Талабга жавоб берди
Термотурғунлик	40±0,2 <sup>0</sup> С ҳароратда 24 соатга қўйилганда қатламга ажралмаслиги керак	Талабга жавоб берди
Заррчалар ўлчами	10 тагача 60-90 мкм ли заррачалар бўлиши мумкин	7
Микробиологик тозаллиги	1 г дори воситасида аэроб бактериялар ва замбуруғлар сони 10 <sup>2</sup> дан ошмаслиги руҳсат этилади. 10 тадан кўп бўлмаган энтеробактериялар ва граммусбат бактериялар <i>Pseudomonas aeruginosa</i> , <i>Staphylococcus aureus</i> бўлмаслиги керак	Талабга жавоб берди
Миқдорий таҳлил, 100 г суртмада	Аминокислоталарга глицинга қайта ҳисоблаганда 1,05 г дан кам бўлмаслиги лозим	1,0547
	Полифеноллар 0,3 г дан кам бўлмаслиги лозим	0,3398
	Fe <sup>+3</sup> 0,15 г дан кам бўлмаслиги лозим	0,1523
	Анестезин 1,43 г дан кам бўлмаслиги лозим	1,4856

Навбатдаги изланишларда «Антибовасин» суртмасини сифат кўрсаткичлари ўрганилди. «Антибовасин» суртмасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш учун умумий фармакопея мақоласи «Суртмалар» (ГФ XI, вып.2., TSt 42-01:2002) ва бошқа МХда кўрсатилган талаблар бўйича тажрибалар олиб борилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозим: «Антибовасин» суртмаси ташқи кўриниши, таркибидаги компонентларнинг чинлик реакциялари бўйича, суртманинг рН муҳити, бир хиллиги, коллоид турғунлиги, термотурғунлиги, суртманинг микробиологик тозалаги МХ да келтирилган талабга жавоб берди.

«Антибовасин» суртмасининг реологик хусусиятларини ўрганиш. «Антибовасин» суртмасининг реологик хоссаларини ўрганишда тажрибалар «Реотест–2» вискозиметрида, S/S<sub>1</sub> цилиндрлар системасидан ташкил топган, Z(константаси) = 5,8 бўлган ячейкадан ҳамда асбобнинг α-кўрсаткичи 1-режимда 25°C, 40°C ва 55°C ҳароратларда олиб борилди.

Суртма структурасининг силжиш чегара кучланиши 25°C да  $\tau_{\text{чег}} = 46$  Па га тенг, ҳарорат кўтарилиши билан 40°C  $\tau_{\text{чег}} = 11$  Па, 55°C да  $\tau_{\text{чег}} = 6$  Па ни кўрсатади. Ҳароратнинг кўтарилиши билан суртма структурасининг бузилиши ва системанинг оқма ҳолатга ўтиши аниқланди. Қаттиқлик коэффиценти ( $\eta_k$ ) 25°C дан 40°C ҳароратларда 1,28 Па.с дан 0,4 Па.с камаяди ва 55°C ҳароратга қадар 2 баробарга пасайди. Бу кўрсаткичлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, 40°C ҳароратда суртма турғун бўлмаган ҳолатга ўтади ва ўзининг қаттиқлигини йўқотади. Ҳароратнинг ўзгариши структуранинг механик барқарорлигига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Механик барқарорлик 25°C дан 55°C ҳароратга қадар 3,26 дан 2,86 га камайиши кузатилди. Бу эса суртмага таъсир этаётган ҳароратнинг ортиши, унинг таркибий қисмларини ўзаро таъсирини кучсизланиши билан ифодаланади.




1-расм. Тезлик градиенти ( $\gamma$ ) силжиш кучланишига ( $\tau$ ) турли ҳароратдаги 1–25°C; 2–40°C; 3–55°C боғлиқлик реограммаси


Одатда пластик суюқликлар статистик жараёнда ўзини қаттиқ жисмдек тутади, лекин уларга механик куч таъсир эттирилса, улар оқабошлайди.

Оқишни бошлаш учун зарур бўлган минимал шароит ( $\gamma \neq 0$ , яъни  $\gamma > 0$ ), яъни силжиш кучланишининг чегараси ( $\tau_{\text{чег}}$ ) тезлик градиентини силжиш кучланишига боғлиқлик эгрисидан аниқланади; 1-расмдан кўришиб турибтики,  $\tau_{\text{чег}} = 46$  Па «Антибовасин» суртмаси учун  $25^{\circ}\text{C}$ ,  $40^{\circ}\text{C}$  ва  $55^{\circ}\text{C}$  ҳароратлар учун силжиш кучланишининг чегараси  $\tau_{\text{чег}} < 10$  Па ташкил қилади. Бу шундан дарак берадики, жараённинг бошланғич ҳолатида силжиш кучланишининг оқимиға ҳароратнинг таъсири суртманинг структурасини қисман бузилишига олиб келади.

Ҳароратни ортиши, самарали қовушқоқлик эгрисини кичик соҳаларда силжишини кўрсатади. Бундай силжиш суртма структурасининг бузилишини ва уни оқувчан ҳолатга иссиқлик таъсирида ўтишини тасдиқлайди (2-расм).



**2-расм.** Самарали қовушқоқлик логарифмининг ( $\ln \eta_{\text{эфф}}$ ) градиент тезлигига ( $\gamma$ ) боғлиқлик графиги



**3-расм.** «Антибовасин» суртмасининг динамик қовушқоқлиги ( $\eta$ ) ни ҳарорат ( $t$ ) га боғлиқлик графиги

Олинган маълумоталар асосида, ҳароратни «Антибовасин» суртмасининг динамик қовушқоқлигига таъсири (3-расм) кўрсатилди. Ҳароратнинг ортиши билан динамик қовушқоқлик қиймати пасаяди. Яъни,  $t = 25^{\circ}\text{C}$  да  $\eta = 18,2$  Па.с;  $t = 40^{\circ}\text{C}$  да  $\eta = 6,8$  Па.с;  $t = 55^{\circ}\text{C}$  да  $\eta = 2,4$  Па.с. Қовушқоқликнинг бундай ўзгариши, аввало суртма структурасининг бузилиши, аниқроғи компонентлар орасидаги молекулалараро боғларни иссиқлик таъсирида бузилишига боғлиқ. Ҳарорат пасайтирилса, суртманинг дастлабки структураси амалда тикланади.

«Антибовасин» суртмасининг қовушқоқ оқишнинг активланиш энергияси  $E_a = 5,48$  кДж/моль деб, у Эйринг – Френкель формуласи ( $\ln \eta = \ln A + (E_a/R)1/T$ ) ёрдамида ҳисоблаб топилди. Бизга маълумки, водород боғи энергиясининг диапазони 3-50 кДж/моль ташкил этади. Бу суртмани қатламли оқишида силжиш майдонида ковалент боғ даражасида эмас, балки водород боғ даражасида узилиши содир бўлади. Мазкур натижа, шубҳасиз, суртмаларни амалиётда қўллаш учун жуда муҳим тавсифнома бўлаолади.

«Антибовасин» суртмасининг турғунлиги ва сақланиш муддатини аниқлашда табиий сақлаш усулидан фойдаланилди; 3 йил мобайнида ўтказилган тажрибалар асосида суртманинг барча сифат ва миқдор

кўрсаткичлари ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин, яъни МХ талабига жавоб берди. Суртманинг яроқлилик муддатини 2,5 йил деб белгиланди.

Клиник олди тадқиқотлари ЎзР ФА Биоорганик кимё институтининг катта илмий ходими Д.С. Казанцева билан ҳамкорликда олиб борилди. Олиб борилган изланишлар «Антибовасин» суртмасида прополис ва мумиёда мавжуд бўлган хусусиятлар жамланганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Антибовасин гелини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар**» деб номланувчи учинчи бобида мумиё эритмаси, прополис ва тирноқгул гули настойкаларидан олинган композицион гел дори шакли таркибини танлаш, уни олиш технологияси, структура-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш, сифатини баҳолаш, «in vitro» ва «in vivo» тажрибаларида биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда турғунлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

«Антибовасин» гелини таркибини танлаш маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.

4- жадвал

#### Гел таркибини танлаш учун олинган ингредиентлар миқдори

Ингредиентлар	Таркиб, г					
	1	2	3	4	5	6
Тозаланаган мумиё	4,0	4,0	4,0	4,0	4,0	4,0
Прополис настойкаси	6,0	6,0	6,0	6,0	6,0	6,0
Тирноқгул гули настойкаси	9,0	9,0	9,0	9,0	9,0	9,0
Карбопол-934	1,0	1,2	1,5	-	-	-
МЦ	-	-	-	5,0	-	-
Na-КМЦ	-	-	-	-	3,0	2,0
Глицерин	3,0	5,0	3,0	3,0	3,0	2,0
Вазелин мойи	3,0	-	-	2,0	-	3,0
NaOH 0,1M эритмаси	8,4	10,1	12,6			
Тозаланаган сув	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	гача	гача	гача	гача	гача	гача

Na-КМЦ асосида гел тайёрлаш учун чинни косачага Na-КМЦ тортиб олинди, устига тозаланган сув қуйилди, сўнгра Na-КМЦ массасини яхшилаб аралаштириб турган ҳолда устига тозаланган мумиёни сувда эритиб қўшилди. Бўкиш учун 40-60 дақиқага қолдирилди. 60 дақиқа ўтгач глицерин ва вазелин мойи қўшилиб, яхшилаб эзиб аралаштирилди. Прополис ва тирноқгул гули настойкалари тайёрланаётган Na-КМЦ гелига қўшилди ва бир хил консистенцияга келгунга қадар яхшилаб аралаштирилди ва қора шишали банкачаларга қадоқланди.

4-жадвалда кўрсатилган № 1, 2 ва 3 таркибларда гел ҳосил қилувчи компонентлар сифатида карбопол-934 ишлатилди. Гел тайёрлаш учун карбопол-934 тортиб олинди ва шиша стаканчага солинди, устига тозаланган сув солиб аралаштирилди, дисперс ҳолатга келгач 6 соатга бўкиш учун

қолдирилди. Сўнгра олинган гелга 0,1М NaOH эритмаси қўшилди (рН муҳитни меъёрлаш учун). Гелни яхшилаб аралаштириб, № 1 таркибга вазелин мойи ва глицерин солиниб, № 2 ва 3 таркибларга эса глицерин қўшилди. Гелни аралаштириб туриб тозаланган мумиё эритмаси, прополис ва тирнокгул гули настойкалари (1:10 нисбатдаги 70% спиртдаги эритмаси) қўшилди, аралашма то бир хил консистенция ҳосил бўлгунча аралаштирилди. Тайёр гел кенг оғизли қора шишали бурама қопқокли банкачаларга қадокланди. Барча тайёрланган композициялар 14 кунга ўзгаришларни кузатишга қолдирилди.

4-жадвалда келтирилган № 5 ва 6 таркибли тайёрланган геллар сақлаш муддати давомида ўз рангини ўзгартирди. № 1 таркибнинг консистенцияси эса суяқ ва оқувчанлиги кузатилди. Қолган № 2, 3 ва 4 таркиблар консистенцияси бўйича талабга жавоб берди, осон суркалди. Шундай қилиб, келгуси тадқиқотлар учун № 2, 3 ва 4 таркиблар танлаб олинди.

Олинган геллар қуйидаги мезонлар билан тавсифланди: ташқи кўриниши, ҳиди, ранги, гелни сувли ажратмасининг рН қиймати, гел массасининг бир хиллиги, термо- ва коллоид турғунлиги, қуритишдаги массани йўқотиши (5-жадвал).

5-жадвал


#### Ишлаб чиқилган гелларнинг сифат кўрсаткичларининг натижалари

Ўрганилган кўрсаткичлар	Таркиблар		
	2	3	4
Ташқи кўриниши	Оч жигаррангли гел, таркибидаги компонентлар ҳидини эслатувчи ҳидга эга		
Бир хиллиги	Бир хил	Бир хил	Бир хил
Сувли ажратманинг рН қиймати	6,0	5,8	6,2
Термик турғунлик	Қатламларга ажралди	Қатламларга ажралмади	Қатламларга ажралди
Коллоид турғунлик	Қатламларга ажралди	Қатламларга ажралмади	Қатламларга ажралмади
Қуритилганда масса йўқотиши, %	10,20	9,87	10,98

№ 2 ва 4 таркиблар термик ва коллоид турғунлик бўйича талабга жавоб бермади. Таркиб № 3 келгуси тадқиқотлар учун танлаб олинди. «Антибовасин» гелининг қуйидаги таркиби таклиф этилди: тозаланган мумиё-4,0; прополис настойкаси-6,0; тирнокгул гули настойкаси-9,0; карбопол-1,5; глицерин-3,0; 0,1 М NaOH эритмаси-12,6 мл; тозаланган сув-100,0 гача. 4-расмда «Антибовасин» гелини тайёрлаш технологик чизмаси келтирилган.

«Антибовасин» гелининг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш учун умумий фармакопея мақоласи «Суртмалар» ва бошқа МХда кўрсатилган талаблар бўйича тажрибалар олиб борилди. Бунда гелнинг ташқи кўриниши, бир хиллиги, чинлиги, рН қиймати, сув ва учувчан


моддаларни масса улуши, микробиологик тозалиги ва таъсир этувчи моддаларнинг миқдори МХ талабларига мос келди.



4-расм. «Антибовасин» гелини олиниш технологик жараённинг чизмаси «Антибовасин» гелининг реологик хусусиятларини ўрганиш.

Тажрибалар юқорида келтирилган «Реотест–2» вискозиметрида турли ҳароратларда амалга оширилди.


«Антибовасин» гелини структура-механик ҳолатини ўрганиш учун тезлик градиентини ( $\dot{\gamma}$ ) силжиш кучланишга ( $\tau$ ) боғлиқ бўлган реограммаси тузилди (5-расм.). Реограммадан шуни кўриш мумкинки, силжиш кучланиши ортиши билан градиент тезлиги ҳам сезиларли даражада тўғри чизик бўлмаган ҳолда ортади, бу эса «Антибовасин» гелининг ноньютон оқиш ҳолатини кўрсатади.




5-расм. Тезлик градиентини ( $\dot{\gamma}$ ) силжиш кучланишга ( $\tau$ ) турли ҳароратлардаги 1 – 25°C; 2 – 40°C; 3 – 55°C боғлиқлик реограммаси

Шуни таъкидлаш лозим, реотестнинг силжиш бурчаги ( $\alpha$ ) катталашган сари силжиш кучланиши ( $\tau$ ) ортади. Силжиш кучланишининг қиймати ҳароратга боғлиқ бўлиб, ҳарорат 25°C дан 55°C гача ортиши билан унинг қиймати пасаяди, чунки силжиш кучланиши гелнинг деформациясини оширади, деформация эса ҳарорат ортиши билан кучаяди.

Гелнинг реологик хоссаси, унинг қовушқоқлиги ёки оқувчанлигига боғлиқ бўлгани учун, ҳарорат ортиши билан муҳитни гелнинг оқувчанлигига бўлган қаршилиги пасаяди, унинг оқиши тезлашади. Силжиш кучланишини ортиши билан тезлик градиентининг қиймати эгри чизик бўйлаб сезиларли даражада ортади.



6-расм. Самарали қовушқоқлик логарифмининг ( $\ln \eta_{эфф}$ ) градиент тезлигига ( $\dot{\gamma}$ ) боғлиқлик графиги



7-расм. «Антибовасин» гелининг динамик қовушқоқлиги ( $\eta$ ) ни ҳароратга боғлиқлик графиги

Гел структурасини бузилишига олиб келадиган омил, бу каттиқлик коэффициентидир ( $\eta_k$ ), у Шведов-Бингам формуласи ёрдамида аниқланди. Каттиқлик коэффициенти  $25^\circ\text{C}$  ҳароратда  $\eta_k = 7,55$  Па.с;  $40^\circ\text{C}$  ҳароратда  $\eta_k = 7,33$  Па.с;  $55^\circ\text{C}$  ҳароратда  $\eta_k = 7,55$  Па.с ни ташкил этди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, каттиқлик коэффициенти  $\eta_k$   $25^\circ\text{C}$  дан  $40^\circ\text{C}$  ҳароратларда  $7,33$  Па.с да ўзгармасдан қолди,  $55^\circ\text{C}$  ҳароратга эса  $7,56$  Па.с ни кўрсатди. Бу гел структурасининг барқарорлигидан, ҳарорат таъсирида каттиқлик ўзгармаганлигидан далолат беради.

Ҳароратнинг ўзгариши структуранинг механик барқарорлигига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Лекин «Антибовасин» гелининг механик барқарорлиги ҳарорат таъсирида деярли ўзгармади ( $25^\circ\text{C}$  да МБ =  $1,40$ ;  $40^\circ\text{C}$  да МБ =  $1,45$  ва  $55^\circ\text{C}$  да МБ =  $1,51$ ).

Ҳарорат ортиши билан гелнинг структурасини бузилмай сақланиб қолишини, гел таркибидаги 25 дан ортиқ кимёвий катализатор ролини бажарувчи макро – ва микроэлементлар, ёғ ва аминокислоталар, гипсур, нуклеин ва гумин кислоталар, оксиллар, витаминлар, гидроксил-, карбоксил-гуруҳлар макро- ва микрокомпонентлар ўзаро таъсирланиб, мустаҳкам ассоциатлар ҳосил қилаётганидан далолат беради. Ушбу ҳолат реограммадан гистерезис ҳалқасини ҳосил бўлмаётганининг асосий сабаби бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Самарали қовушқоқлик логарифмининг ( $\ln\eta_{\text{эфф}}$ ) градиент тезлигига ( $\gamma$ ) боғлиқлик графиги тузилди; 6-расмдан кўриниб турибдики, градиент тезлиги  $200 \text{ с}^{-1}$  га қадар барча ҳароратларда самарали қовушқоқлик логарифми майда сонлар орасида интенсив равишда пасайишини кузатишимиз мумкин. Тезлик градиенти катталашган сари  $\gamma > 200 \text{ с}^{-1}$  самарали қовушқоқлик пасайиши камайди ва система барқарорлашди

7-расмда динамик қовушқоқлик ( $\eta$ ) ни турли ҳароратга боғлиқлик эгриси ҳисобланди; экстрополяциялаш орқали  $\gamma \rightarrow 0$  қиймати  $\ln\eta_{\text{эфф}} = \ln\eta$  қийматларни ҳисоблаш натижасида қуйидаги қийматлар келиб чиқди:  $t = 25^\circ\text{C}$  да  $\eta = 83,1$  Па.с;  $t = 40^\circ\text{C}$  да  $\eta = 72,9$  Па.с;  $t = 55^\circ\text{C}$  да  $\eta = 63,4$  Па.с; Динамик қовушқоқликни  $\eta$  ҳарорат ортиши билан пасайишини кўришимиз мумкин.

«Антибовасин» гелининг қовушқоқ оқишнинг активланиш энергияси Эйринг – Френкель формаулеси ( $\ln\eta = \ln A + (E_a/R)1/T$ ) бўйича ҳисоблаб чиқилди,  $E_a = 7,5$  кДж/моль тенг эканлиги аниқланди. Маълумки, водород боғлари энергияси 3-50 кДж/моль диапазонида бўлади. Бу гелни қатламли оқишида силжиш майдонида ковалент боғ даражасида эмас, балки водород боғ даражасида узилиши содир бўлади. Бу натижа Зиямухаммедова М.М. томонидан «Ханделия» суртмаси бўйича олинган натижага мос келади<sup>2</sup>. Шундай қилиб, олинган кўрсаткичлар билан гелни юмшоқ дори шакли сифатида амалиётда қўллашга тавсия этилиш имконини беради.

<sup>2</sup> Зиямухаммедова М.М. Технологические аспекты разработки лекарственных средств противовоспалительного действия на основе ханделии водосолистной: дисс... на соискание ученой степени доктора фармацевтических наук. –Ташкент. - 2018. - 189с.

«Антибовасин» гелининг сақланиш муддати табиий усулда 2,5 йил давомида ўрганилди. Гел 2,5 йил мобайнида сақланганда ўтказилган тажрибалар асосида барча текширилаётган кўрсаткичлар бўйича гел меъёрий ҳужжатларда келтирилган талабларга берди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозорида яра битказувчи дори воситаларининг юмшоқ дори шакллари асортименти бўйича 2013-2018 йиллар учун маркетинг тадқиқотлари олиб борилди. Олинган натижалар мазкур дори асортименти асосан импорт эвазига маҳаллий бозорда эканлиги, бу препаратларни маҳаллий табиий хомашё асосида яратиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тавсия этилди.

2. Илк бор маҳаллий табиий хомашёлар – мумиё ва прополис асосида «Антибовасин» суртмаси ва гелининг илмий асосланган муайян таркиби, мақбул технологияси ва уларнинг таъсир этувчи компонентларининг сифат ва миқдорий таҳлил усуллари тавсия этилди.

3. Илк бор «Антибовасин» суртмаси ва гелининг реологик хоссалари: структура қовушқоқлиги, қовушқоқ оқишнинг активланиш энергияси ва бошқа коллоид кимёвий хоссалари ўрганилди. Олинган дисперс системаларининг реологик хоссалари, оқувчанлиги, таркиб ва ҳароратга узвий боғлиқлиги белгиланди.

4. Кўп компонентли «Антибовасин» гели ва суртмасининг реологик параметрларини қиёсий ўрганиш натижасида гелнинг силжиш кучланиши, қаттиқлик коэффициенти, динамик қовушқоқлиги, шунингдек, қовушқоқ оқишнинг активланиш энергияси суртманикига нисбатан гелда юқори эканлиги кузатилди ва бу гел дисперс системасининг тўрсимон тузилиши билан узвий боғлиқлиги изоҳланди.

5. Ишлаб чиқилган «Антибовасин» суртма ва гел дори шакллари асортиментининг яроқлилиқ муддатлари табиий шароитда аниқланди. Яроқлилиқ муддати суртма учун 2,5 йил ва гел дори шакли учун 2 йил деб белгиланди.

6. «Антибовасин» гели ва суртмасининг клиник олди фармакологик тадқиқотлари ЎзР ФА Биоорганик кимё институти ва МЧЖ «Dori vositalarini standartlash Ilmiy Markazi» да ўтказилди. Тадқиқотлар «Левомеколь», «Актовегин» ва «Антигеморане» препаратлари билан белгиланган тестлар бўйича қиёсий ўрганилди. Бунда таклиф этилаётган суртма ва гелнинг биологик самарадорлиги юқори эканлиги тасдиқланди.

7. Олинган маълумотлар асосида тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олиш мақсадида «Антибовасин» суртмасига корхона фармакопоя мақоласининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВнинг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЗАКИРОВА РУХСОНА ЮНУСОВНА**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ЛЕКАРСТВЕННОГО СРЕДСТВА  
«АНТИБОВАСИН»**

**15.00.01 – технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Far37.**

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Аминов Сабирджан Нигматович</b> доктор химических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Назарова Зарифа Алимджановна</b> доктор фармацевтических наук, профессор <b>Мадрахимов Шермухаммади Нуруллаевич</b> доктор фармацевтических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт им. А.Султанова</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер \_\_) по адресу: адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г.).

**И.И.Алимджанов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н., профессор

**Ё.С.Кариева**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

**Ф.Ф.Урманова**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодная смертность населения вследствие ожогов кожных покровов составляет 180 тысяч человек. Ожоги кожных покровов приводят к многочисленным неблагоприятным последствиям, таким как инвалидность или даже летальный исход. Поэтому разработка препаратов с использованием местного сырья для лечения кожных ожогов имеет важное значение.

В мире в области развития фармацевтической промышленности проводятся научные исследования по созданию лекарственных препаратов на основе природного сырья с использованием новых технологий и оборудования. В этой связи необходимо создание состава и технологий лекарственных форм методом современного математического моделирования, проведение количественного анализа биологически активных веществ в их составе, определение показателей качества и установление сроков годности средств, полученных на основе природного сырья.

В республике, в результате разработки лекарственных препаратов на основе природного сырья, уделяется отдельное внимание обеспечению населения высокоэффективными, безопасными средствами, достигнуты определенные научные результаты. В четвертом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены важные задачи дальнейшего развития «фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и лечебно-профилактических предприятий доступными, эффективными средствами и медицинскими изделиями...»<sup>1</sup>. В связи с этим важно расширить ассортимент лекарственных средств с высокой биологической эффективностью, безопасных и доступных по цене лекарственных средств, выпускаемых местными предприятиями на основе природного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП – 3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также Указом Президента Республики Узбекистан УП – 5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 — 2021 годах» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП – 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Важное значение имеют научные исследования ведущих ученых нашей республики, таких как З.А.Назарова, У.М.Азизов, М.У.Усуббаев, С.Н.Аминов, М.М.Миролимов, Х.М.Юнусова, Ё.С.Кариева, В.Р.Хайдаров, М.М.Зиямухамедова, Г.М.Туреева и их учеников по разработке мягких лекарственных форм на основе природного сырья, увеличению видов эмульсионных и гидрофильных основ за счет отечественного сырья, а также изучению лечения резанных и ожоговых ран на поверхности кожи.

В мировом масштабе необходимо отметить важность исследований проводимых рядом ученых, таких как А.И.Тенцова, В.М.Грецкий, И.М.Перцев, Б.И.Даценко, Д.Р.Халифаев, Cho-Rok Jung, M.Kucharzewski и др. в области разработки состава и технологии мазей и гелей на основе экстрактов природного сырья, изучению их структурно-механических свойств.

Исследования, приведенные в данной диссертационной работе, касательно состава мазей и гелей, одновременно содержащих очищенное мумие и прополис, их технологии, а также стандартизации до сегодняшнего дня не проводились.

